

Исломофобия билан айбланётган сиёсатчи Борис Жонсоннинг “афсуси”



16:00 / 19.06.2019 3490

Буюк Британия Косерваторлар партияси бошқарувчиларидан бири ҳисобланган, собиқ Ташқи ишлар вазири Борис Жонсон муслмон аёлларга қарата айтилган фикрларидан афсусда эканини маълум қилган. Бу ҳақда IQNA хабар беради. Гап шундаки, Жонсон ва бошқа партия вакиллари иштирокида ташкил этилган телевизион мунозарада унга бир пайтлар ўранган муслима аёлларни почта қутисига ўхшатгани эслатилган. Сўнгги 20-30 йил давомида матбуотда қилган чиқишларидаги айрим мавзулар бугун эсга олинар экан, «ранжитишга сабаб бўлган сўзларим учун афсусдаман» деб айтган. Маълумки, бундан бир йил олдин Ташқи ишлар вазири лавозимида бўлган Жонсон бу баёнотидан афсусда эмаслигини ва ҳатто Бош вазир илтимос қилган бўлсада, муслмонлардан кечирим сўрамаслигини айтган эди. Бироқ вақт ўтиб, ҳижобдаги муслмонлар

хақида айтган фикрларидан афсусда эканини маълум қилган.

***Islom.uz* потали таҳририяти**